“ШИНЕЛЬ” ҚИССАСИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

Д.НОРАЛИЕВ

В статье представлен сравнительный анализ трех переводов повести Гоголя “Шинель” на узбекский язык.

The article gives comparative analysis of translations of “Military uniform” by Gogol into Uzbek.

Рус адабиёти тарихида XIX аср ўзига хос ўрин тутади. Бу аср ўрталарига келиб реализм рус адабиётининг асосий йўналиши бўлиб колган, бутун дунё эътироф этган рус ёзувчилари – Ф.М.Достоевский ва Л.Н.Толстойлар айни шу йўналишда ижод қилиб оламшумул шуҳрат топишган. Айни чоқда, рус адабиётининг XIX асрдаги реализм йўналиши Н.В.Гоголь номи билан чамбарчас боғликдир. Чернишевскийнинг “биз Россияни Гоголсиз тасаввур килолмаймиз” ёки Достоевскийнинг “бизлар ҳаммамиз Гогольнинг “Шинел”идан чиққанмиз” дея иқрор қилганлари бежиз эмас.

Ўзбек – рус адабий алокалари тарихида, ўзбек бадиий таржимачилиги ривожида ҳам Гоголь ижодининг, хусусан, “Шинель” қиссасининг муҳим ўрни бор. Ўзбек ўқувчиси “Шинель” қиссасини илк бор 1926 йилда “Маориф ва ўкитғувчи” журнали саҳифаларида ўз она тилисида ўқиш имконига эга бўлди. Айтиш керакки, бу Гоголнинг ўзбек матбуотида эълон килинган дастлабки асари бўлиб, уни Сайидаҳмад Сиддиқий Ажзий ўзбекчага ўгирганди. Гоголь асарлари кейинрок Санжар Сиддик, Чўлпон, Абдулла Кодирий, Абдулла Каҳҳор, Наби Алимуҳаммедов, Рустам Абдураҳмонов, Холида Аҳророва ва бошқа мутаржимлар томонидан ўзбекчалаштирилган. Умуман, Гололь асарларининг ўзбекчалаштирилиши янги ўзбек насри тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, гоголча услуб, гоголча киноя ва нозик юморни ўзбек тилида кайта яратиш учун ёзувчи ижодини, унинг услубий ўзига хослигини теран ҳис қилиш, ўрганиш зарурати туғилади. Яъни бу ижодкорларимиз учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтаганки, ўз вақтида буни Чўлпон, Абдулла Қаҳҳордек улуғ адибларимиз чин дилдан эътироф этганлар.

“Шинель” қиссаси Сиддиқий Ажзийдан кейин Чўлпон (1936), сўнг эса Х.Аҳророва (1953) томонидан таржима қилиниб, иккала таржима ҳам алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Биз ушбу мақоламизда мазкур таржималарга бир қур қиёсий назар солишни мақсад қилганмиз.

“Шинель”нинг бошланиши жуда машҳур, қисса ҳақида сўз юритганки мутахассис унга албатта тўхталади. Гоголь қиссани “В департаменте...” деб бошлайди-да, гўё фикридан қайтгандай кўп нуқта қўяди, гап аниқ қайси департамент ҳақидалигини айтиш мақбул эмас дейди ва буни асослашга киришади. Яъни ўз қарорини замондош ўқувчисига изоҳларкан, адиб бунақа департамент, идора ва маҳкамалар, лавозиму амаллардан кўп нарса йўқлигини рўкач қилади. Аслида бундай баён реалистик тамойил талаби билан юзага келган. Чунки реалистик тасвирнинг асосий тамойили шуки, у алоҳида шахс ёки воқеа-ҳодиса орқали умумлаштиришга, жамият, унинг ҳолатини кўрсатиб беришга интилади. Демак, ривоянинг бошида қўлланган усул ўқувчини тасвирланажак воқеани муайян бир тарзда қабул қилишга йўналтиради. Шундан кейин Гоголь ўз қаҳрамони таърифида шундай ёзади:

“... ***в одном*** *департаменте служил* ***один*** *чиновник,* ***чиновник*** *нельзя сказать, чтобы* ***очень***

***замечательный**; низенького роста, несколько рябоват, несколько рыжеват, несколько на вид подслеповат, с небольшой лысиной на лбу, с морщинами по обеим сторонам щёк и **цветом лица что называется геморроидальным…** Что же делать! Виноват петербургский климат. Что касается до чина (ибо у нас прежде всего нужно объявить чин), то он был то, что называется вечный титулярный советник, над которыми, как известно, натрунились и наострились вдоволь разные писатели, имеющие похвальное обыкновенье налегать на тех, которые не могут кусаться."*

Юқоридагилардан келиб чиқсак, Гоголь "*в департаменте*" ўрнига "*в одном департаменте*" дейиш билан конкретлиликни атайин йўқотади, ноаниқлик маъносида қўлланган "один" сони шунга хизмат қилади. Ажзий бу жумлани "*Бир департамент маҳкамасида бир чиновник хизмат қилур эди*" тарзида ўгирса, Чўлпон "*бир идорада ... бир тўра хизмат килар эдилар*" дея аслият маъносини сақлаб таржима қилади. Х.Аҳророва таржимасида ҳам бу жиҳат сақланган: "*Бир департаментда **...** бир чиновник хизмат килар эди".* Шунга қарамай, учала таржимада ҳам услуб билан боғлиқ жиддий камчиликлар мавжудки, бизнингча, бу, биринчдан, аслиятдаги яхлит жумла ўзбекчада парчалаб берилгани, иккинчидан, гап бўлаклари мазмуний-синтактик алоқасининг етарли тушунилмагани билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Хусусан, Ажзий аслиятдаги битта жумлани учта, Х.Аҳророва эса иккита гап шаклида ўгирган. Биргина Чўлпон жумлани аслиятга монанд – битта гап шаклида таржима қилган. Яъни бу ўринда Чўлпоннинг аслият услубини адекват қайта яратишга интилиши кузатиладики, бу бадиий таржима учун жуда муҳимдир. Негаки, жумла қурилиши фикр оқими билан бўғлиқ бўлиб, объект тасвиридан ташқарида қолувчи ҳиссий муносабатни ифодаловчи асосий омил саналади.

Таржимада аслиятдаги гап бўлакларининг ўзаро алоқаси, конкрет сўзнинг жумлада қандай маънода қўлланганини яхши билиш жуда муҳим. Акс ҳолда таржимада жумла мазмунини адекват бериш мумкин бўлмайди. Аслиятдаги "*... в одном департаменте служил один чиновник, чиновник нельзя сказать, чтобы очень замечательный"* жумласини таржимонлар қуйидагича ўгирганлар:

Ажзий: "*Бир департамент маҳкамасида бир чиновник хизмат қилур эди. Чиновник **рутбаси унча улуғ ва эътиборли бир рутба** дегудек мансаб эмас"*

Чўлпон: *"Бир идорада **кўп ҳам улуғ рутба соҳиби булмаган** бир тўра хизмат қилар эдилар..."*

Х.Аҳророва: "*Бир департаментда **мартабаси кўп ҳам улуғ бўлмаган** бир чиновник хизмат қилар эди".*

Учала таржимада ҳам аслиятдаги жумла мазмуни ўзгарган. Зеро, аслиятда гап бир департаментда бир амалдор хизмат килиши (…*В одном департаменте служил один **чиновник**)* ва бу ***амалдор***ни жуда диққат-эътиборни тортадиган **одам** деб бўлмаслиги ҳақида бормокда (***чиновник** нельзя сказать, чтобы очень замечательный).* Яъни жумлада гап амал (чин) ҳақида эмас, балки амалдор (чиновник) шахс ҳақида бормоқда, унинг кўримсизгина одамлиги айтилмоқда. Шунинг учун гапнинг бу қисми билан кейинги қисми – портрет чизгиларига оид тафсилотлар мантиқан боғланади. Ўзбекча таржималарда бу жумла сўз бораётган амалдорнинг амали улуғ ва эътиборли эмас деган маъно касб этган. Натижада эса матн бутунлигига путур етади, гап қисмларининг ўзаро мазмуний-мантиқий алоқаси бузилади.

Аслиятдаги портрет чизгилари ўқувчи кўз олдида ҳақиқатан ҳам кўримсизгина бир кишини гавдалантиради. Ажзий аслиятдаги гапнинг бу қисмини алоҳида гап шаклида беради: «*Шул чиновник киши пакана бўйлик, юзи чўтур, малла, кўзга кўринишда сўкур монанд, чекалари бурма-бурма хатлар, сур бир тусда, касалга ўхшаш эди».* Аввало, Ажзий жумлаларнинг мантиқий алоқасини тиклаш учун "шул чиновник киши" бирикмасини қўшишга мажбур бўлган. Иккинчидан, унинг таржимасида аслиятнинг услубий ўзига хослиги йўқотилган. Аслиятда қаҳрамонга берилган сифатлар озайтирма даражада (*низенького роста, несколько рябоват, несколько рыжеват, несколько на вид подслеповат*) бўлиб, бунда конкретлаштиришдан атайин қочиш кузатилади. Ажзий таржимасида ***пакана**рок - пакана**га**, **бироз чўтурроқ - чўтир**га, **сал малларок - малла**га* айланган, «с *небольшой лысиной на лбу*» жумласи таржимада тушириб қолдирилган ва бунинг ўрнига «*сур бир тусдаги»* жумласи қўшилган.

Қиссанинг худди шу ўринлари Чўлпон томонидан анча муваффақиятли ўгирилган: *тўранинг ўзлари паст бўйлик, бир оз букирнамо, бир оз малланамо, хатто бир оз кўрнамо, пешонаси бир қадар сийқа, икки юзининг тегараси ажинлик ва бавосил иллатига мубтало экани юзларидан ҳувайда бир киши эдилар".* Кўриниб турибдики, Чўлпон аслият услубини қайта яратишга жиддий эътибор билан қарайди: у -намо қўшимчасини қўллаб "рябоват", "рыжеват", "слеповат" сўзларини адекват таржима қилишга эришади. Шунингдек, Чўлпон аслиятдаги Ажзий тушириб кетган сифат (с *небольшой лысиной на лбу - пешонаси бир қадар сийқа*)ни ҳам муваффақиятли ўгирган. Айни шу парча таржимасида Х.Аҳророва ҳам аслиятга содиқ қолишга интилганини таъкидлаш жоиз: "*У, паст бўйли, бироз бужурроқ ва бироз малларок, ҳатто бир оз кўрнамо, пешонасидаги сочи бир оз тўкилган, юз ёноқлари ажинлик ва бавосил касалига мубтало экани юзидан кўриниб турган бир киши эди*". Албатта, кейин таржимага қўл урган одам сифатида Х.Аҳророва

Ажзий ва Чўлпон таржималарига таянган бўлиши табиий. Х.Аҳророва қаҳрамон сифатларини озайтирма даражада бериш учун –роқ қўшимчасини қўллайди, у фақат бир ўриндагина (*кўрнамо*) Чўлпон каби -намо қўшимчасидан фойдаланган. Иккинчи томондан, Х.Аҳророва ҳам Ажзий сингари жумлани парчалаб юборадики, бунинг ютқизиқ эканлигини юқорида кўрдик. Шунга қарамай, биз-нингча, Х.Аҳророва таржимада кўпроқ Чўлпонга таянган, унинг ютуқларини ривожлантиришга ҳаракат қилган (бу ўринда Чўлпон таржимаси билан бир хил бўлиб қолишдан қочишга интилиш борлигини, бу таржима учун баъзан фойда, баъзан зиён келтирганини ҳам айтиш керак, бироқ бу алоҳида мавзу).

Аслиятдаги "*с морщинами по обеим сторонам щёк и цветом лица что называется геморроидальным…"* жумласи Ажзий таржимасида "*чекалари бурма-бурма хатлар, сур бир тусда, касалга ўхшаш эди"* тарзида берилган. Чамаси, Ажзий ушбу парча таржимасида аслиятга монандликдан кўра кўпроқ ўқувчига тушунарли бўлиш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам умуман касалга хос юз сифатида таърифлайди. Аксинча, Чўлпон аслиятни айнан беришга ҳаракат қилади: "*икки юзининг тегараси ажинлик ва бавосил иллатига мубтало экани юзларидан ҳувайда бир киши эдилар".* Х.Аҳророва таржимаси ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин: "*юз ёноқлари ажинлик ва бавосил касалига мубтало экани юзидан кўриниб турган бир киши эди".* Кўриб турганимиздек, Х.Аҳророва Чўлпон "ҳувайда" сўзи билан берган маънони "кўриниб турган" бирикмаси билан соф ўзбекча ифодалайди. Бу ўринда кейинги таржимага ҳақ бериш лозим. Бошқа томондан, Чўлпон "*по обеим сторонам щёк*"ни "*икки юзининг тегараси"* дея аниқ таржима қилса, Ҳ.Аҳророва "*юз ёноқлари"* тарзида ўгириш билан аслиятга мосликдан чекиниб, маънони умумий тарзда ифодалаш билан чекланади. Фикримизча, умуман олганда Чўлпоннинг таржимаси муваффақиятлироқ чиққан, лекин Х.Аҳророва юқоридагича ҳол туфайли айрим нокерак ўзгаришларни киритишни лозим топган.

Юқорида Ажзий таржимада тушунарли бўлиш мақсадини олдинга қўйиб асл матндан чекинганини айтдик: аслиятда аниқ айтилган бавосил касали ўрнига таржимада умуман касал ҳақида гап боради. Ҳолбуки, аслиятда шу гапдан кейин келган "*Что же делать! виноват Петербургский климат"* жумласи бавосил касалисиз ортиқча бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Ажзий таржимасида бу жумла тушириб қолдирилган. Аслида эса бу қаҳрамон таърифидаги яшаш жойи ва касбий фаолият билан боғлиқ муҳим бир деталь. Зеро, Гоголь Петербургнинг нам иқлимида бавосил касали кенг тарқалгани, у қаҳрамони каби уззукун стулдан узилмай ишловчи кишиларда айниқса кўп учрашини назарда тутади. Айни тафсилотнинг Ажзий таржимасида ташлаб кетилгани «*Что же делать!»*га берилган урғу, яъни аслиятда эринмай саналган "бироз"ларда гоголча киноя билан айбдор қилиб кўрсатилган Петербург иқлими ҳақидаги маълумот йўқолган. Чўлпон эса буни ҳис қилгани учун аслиятга монанд таржима қилади. Умуман, Чўлпон аслиятга монандликни ўзи учун асосий тамойил қилиб олади, шунинг учун ҳам бадиий проза ва таржимачилигимизнинг 30-йиллардаги имконлари нуқтаи назаридан қараганда асар руҳини беришга эриша олади.

Юқорида "Шинель" қиссасидаги биргина парчанинг таржималарини қиёслаш орқали учта таржима ҳақида фикр юритдик. Мавжуд таржималар орасида Чўлпон таржимаси ўзининг аслиятга монандлиги, аслият руҳини анча теран англаган ҳолда амалга оширилгани билан диққатга лойиқлиги шубҳасиз. Бироқ қиёсда яна бир нуқтага алоҳида эътибор қаратиш лозим: 20-йилларда қилинган Ажзий таржимасига қараганда 30-йилларда амалга оширилган Чўлпон таржимаси сифатлироқ, 50-йилларда эса Х.Аҳророва Чўлпон ютуқларини ривожлантиришга ҳаракат қилган. Ҳолат шундайки, охирги таржима амалга оширилганига ҳам мана 60 йил бўлибди. Демак, таржимонларнинг бугунги авлоди "Шинель" қиссасига, умуман, рус адабиётидан илгари таржима қилинган асарларга яна қайта қўл уришлари зарур кўринади. Агар бу асарлар Чўлпон каби моҳир мутаржимлар амалга оширган таржималарга таяниб ўзбек бадиий наср тилининг ҳозирги имконларидан фойдаланган ҳолда қайта ўзбекчалаштирилса, улар ўзбек китобхони қаршисида бутун гўзаллиги ва маҳобати билан гавдаланиши шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1.Гоголь. Шинель. Сиддиқий Ажзий таржимаси // Маориф ва ўқитғучи.- 1926.- № 1-3
2.Гоголь. Шинель. Чўлпон таржимаси.- Т.: Ўздавнашр, 1936
3.Гоголь. Шинель. Х.Аҳророва таржимаси.- Т.: Ўздавнашр, 1953
4. Эйхенбаум Б.М. Как сделана "Шинель" Гоголя.- М.,1969

Андижон давлат университети,
2012 йил 28 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)